

Хорижий фуқароларини вақтинча пропискадан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлар бўйича вақтинча пропискадан ўтиш асосида яшайдилар. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Чегара назорат масканидан (КПП) ўтганларидан сўнг уч сутка мобайнида вақтинча пропискадан ўтишлари шарт, байрам ва дам олиш куни (якшанба, баъзи ҳолларда қонунчиликка мувофиқ шу кун иш куни ҳисобланмаса)лари бундан мустасно. Уч сутка муддат, фуқаронинг миллий паспортига Ўзбекистон Республикаси чегара қўшинларининг чегара-назорат маскани штампи босилган сананинг эртаси кунидан бошлаб ҳисобланади.

Хорижий фуқароларни вақтинча пропискадан ўтказиш учун МваФРБга тақдим қилинадиган ҳужжатлар:

- белгиланган шаклдаги илтимоснома;
- қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси;
- миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун ҳужжат;
- уй-жой эгасининг вақтинча пропискадан ўтказишга ёзма розилиги ва уй-жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат божи тўлашдан озод этилганлар бундан мустасно).
- Шунингдек, қабул қилувчи ташкилот томонидан маъсул ходимнинг ишга қабул қилинганлиги ва қайси лавозимда ишлаётганлиги кўрсатилган буйруқдан кўчирма ёзилган ҳолда корхона раҳбари томонидан имзоланиб муҳрланган амал қилиш муддати 3 ойгача бўлган ишончномани асли тақдим этилади.

_____ (ИИИ номи)

бошлиғига

_____ Сиздан, қуйидаги фуқарони вақтинча пропискадан ўтказишингизни, виза ва вақтинча пропискани узайтиришингизни (керак эмаси ўчирилсин) сўрайди:

1. Ф.И.О.: _____
(хорижий фуқаронинг Ф.И.О. кирилицада кўрсатилади)

_____ (хорижий фуқаронинг паспортига асосан лотин шрифтидаги Ф.И.О.)

2. Фарзандлари: _____
(16 ёшгача бўлган фарзандларини т.й. ва Ф.И.О.)

3. Фуқаролиги: _____ 4. Жинси: _____

5. Туғилган санаси ва жойи: _____

6. Мил. Паспорт № _____ 7. Виза тури ва рақами _____

8. Виза ким томонидан берилган ва унинг амал қилиш муддати _____

9. Ўзбекистонга кириб келган санаси (КПП): _____

10. Иш жойи ва лавозими: _____

11. Яшаш манзили: _____

12. Уй-жой тақдим этаётган шахснинг Ф.И.О. _____
_____ уй тел. _____

13. Хужжатларни тақдим этишга ва расмийлаштиришга маъсул бўлган шахснинг Ф.И.Ш. _____

Паспорт серияси _____ № _____ хиз. тел. _____

_____ (қабул қилувчи ташкилот

раҳбарининг лавозими)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О., имзо)

Изох: Илтимоснома корхона бланкасига ёки юқоридаги ўнг бурчагига хужжат рақами ва санаси ёзилган қабул қилувчи ташкилотнинг штампи қўйилган оқ қоғозда расмийлаштирилади. Илтимосномага уй-жой тақдим этаётган шахснинг розилик аризаси илова қилинади.